

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ЗУЛФИЯХОН БОБУРХОН ҚИЗИ

**УРОКОНИТ ВА ТРИБУЛЕПИЛ ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ ФАРМАКО-
ТОКСИКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.17 –фармакология ва клиник фармакология

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Ганиева Зулфияхон Бобурхон кизи

Уроконит ва трибулепил препаратларининг фармако-токсикологик
хусусиятлари..... 3

Ганиева Зулфияхон Бобурхон кизи

Фармако-токсикологические свойства препаратов уроконит и
трибуленил..... 21

Ganieva Zulfiyakhon Boburkhon qizi

Pharmaco-toxicological properties of uroconit and tribulepil
preparations..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Fap.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ЗУЛФИЯХОН БОБУРХОН ҚИЗИ

УРОҚОНИТ ВА ТРИБУЛЕПІЛ ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ ФАРМАКО-
ТОКСИКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.06.17 –фармакология ва клиник фармакология

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Far43 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.rphatmi.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзуева Зиёда Тураевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдулова Мунира Журакуловна
биология фанлари доктори, профессор

Мавлинов Зафар Исқандарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSс.04/30.12.2019. Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «1» ноябрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтди (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@rphatmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишши мумкин (48 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2023 йил «16» 10 кун ичида тарқатилади
(2023 йил «16» 10 даги 48 рақамли респ. баённомаси).



К.С.Ризасев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Р.Т.Тулиганов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кўшидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, урологик касалликлар аҳолини меҳнатта лаёқатсизлиги ва ногиронлигига сабаб бўлаётган касалликлар орасида 7-ўринни эгалламоқда ва умумий ўлим сабабларининг 2,5-3% ни ташкил қилади. Шу муносабат билан сийдик-таносил аъзолари носпесифик яллиғланиш касалликларида қўлланиладиган ўсимлик хом ашёларидан олинадиган дори воситаларнинг ассортиментини кенгайтириш, фармако-токсикологик изланишлар натижасида уларнинг юқори самарадорлиги ва безарарлигини исботлаш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда кўпгина ножўя таъсирларга эга бўлган синтетик дори воситаларга нисбатан табиий хом ашёлар ва улардан ажратиб олинган биологик фаол моддалардан дори воситаларни ишлаб чиқиш, организмга таъсирини аниқлаш, расмий тиббиётда қўлланилишини асослаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада дори воситасининг таъсирини кучайтириш мақсадида бир нечта ўсимлик комбинациясини яратиш, унинг фармакологик фаоллигини, ўткир ва сурункали захарли таъсир этмаслигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда бугунги кунда аҳолини юқори сифатли, безарар, самарали ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, хорижий давлатлардан кириб келаётган препаратлар улушини камайтириш мақсадида маҳаллий фармацевтика корхоналарида уларни ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иккинчи иловаси 85 бандида «Фармацевтика sanoati mahsulotlari ishlab chiqarish hajmini 3 barobar kўpaytirish va mahalliy bozorni taъminlash darajasini 80% ga etkazish...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, Ўзбекистонда оригинал мураккаб таркибли препаратларни ишлаб чиқиш, уларнинг клиник олди ва клиник tadqiqotlarini олиб бориш, тиббиётга жорий этиш бўйича илмий tadqiqotlar олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармогини жадал ривожлантиришга онд қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармогини ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4910-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича илмий tadqiqotlar қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони

тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган дори воситаларини яратиб ва уларнинг фармако-токсикология хусусиятларини ўрганиш, ҳамда уларни тиббиёт амалиётига жорий этишда республикамиз олимларидан Х.Х.Холматов, Х.М.Комилов, А.Г.Курмуков, В.Н.Сиров, Х.У.Алиев, З.З.Хакимовларнинг ишлари диққатга сазовор.

Дунё миқёсида П.В.Глибочко, Д.Ю.Пушкар, А.В.Зайцев, Л.М.Рапопорт, Р.Пинхасов, О.Л.Тиктинский, Ашис Чавл, Т.Ёханс, М.Шрадер, Т.Гассер, П.Д.Дамраев, В.В.Иванов, Б.Р.Гильмутдинов, Хайдер Мухсен, Н.С.Михеева, Н.Н.Денисова, Б.Г.Синтия, Б.Срокси, Э.Нина, Толкофф-Рубин ва бошқа хорижий олимлар томонидан сийдик-таносил аъзолари носпесифик яллиғланиш касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, даволаш усуллари, фармакотерапиясига оид олиб борилган кенг қамровли изланишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация иши илк бор Уроконит ва Трибуленил препаратларининг яллиғланишга қарши, антипиретик, аналгетик, простатит ва сийдик тош касаллигига қарши таъсири ҳамда уларни қўлланганда ўткир ва сурункали заҳарли таъсири мавжуд эмаслигини ўрганиш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Физиологик фаол моддалар ва биологик фаол қўшимчаларнинг фармако-токсикологиясини ўрганиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уроконит ва «Трибуленил» дори воситаларининг турли хил яллиғланиш касалликларида қўллаш самарадорлиги ҳамда хавфсизлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Уроконит» дори моддасининг яллиғланишга қарши антипиретик ва аналгетик таъсирини ўрганиш;

«Уроконит» дори моддасининг самарасини экспериментал нефролитиаз моделида ўрганиш;

«Уроконит» дори моддасининг безарарлик хусусиятларини ўрганиш;

«Трибуленил» йиғмасини яллиғланишга қарши, антипиретик ва аналгетик таъсирини ўрганиш;

«Трибуленил» йиғмасининг фармакотерапевтик фаоллигини

экспериментал простатит моделида ўрганиш;

«Трибулепил» йиғмасининг безарарлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Уроконит» ва «Трибулепил» препаратлари, шунингдек лаборатория ҳайвонлари: массаси 18-22 г оқ сичқонлар, 180-240 г оқ каламушлар ва 2-3,5 кг вазнлардаги оқ қуёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети экспериментал лаборатория ҳайвонлари (оқ сичқонлар, оқ каламушлар)да «Уроконит» субстанцияси ва «Трибулепил» йиғмасининг умумий ва нефролитiaz яллиғланишига қарши, антипиретик, анальгетик, простатитга қарши таъсирини ўрганиш, шунингдек ўткир ва сурункали захарли таъсири мавжуд эмаслигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда фармакологик, гематологик, токсикологик, патоморфологик ва статистик текширув усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор «Уроконит» субстанциясининг яллиғланишга қарши таъсири флагоген (формалин, гистамин) моддалар билан чақирилган моделда Канефрондан юқорилиги исботланган;

илк бор «Трибулепил» йиғмасининг специфик фаоллиги формалин ва гистамин билан чақирилган яллиғланиш моделида кўриб, самараси исботланган;

«Трибулепил» йиғмасининг экспериментал простатит кечимида яллиғланишга қарши таъсири аниқланган ва унинг самарадорлиги «Простамол-уно» препаратидан кам эмаслиги тажрибаларда исботланган;

«Трибулепил» йиғмаси ва «Уроконит» субстанциясининг безарарлиги бўйича уларнинг маҳаллий қитқловчи ҳамда аллергик таъсир кўрсатмаслиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Уроконит» дори моддасининг эмбриотоксик ва тератоген таъсир этмаслиги исботланган;

«Уроконит» субстанцияси ва «Трибулепил» йиғмасининг антипиретик ва анальгетик таъсири «Биамол» дори воситасидан кам эмаслиги аниқланган;

«Уроконит» субстанцияси ва «Трибулепил» йиғмаси захарлилиги бўйича V синф (амалда захарли бўлмаган) моддалар гуруҳига кириши исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси замонавий фармакологик, токсикологик, гематологик, гистоморфологик, биокимёвий усуллари, старли даражадаги тажриба ҳайвонлари ҳамда статистик таҳлидан фойдаланганлиги билан исботланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сийдик-таносил носпецифик яллиғланиш касалликларини даволашда қўлланиладиган «Уроконит» субстанцияси ва «Трибулепил» йиғмасининг фармако-токсикологик хусусиятлари ўрганилганлиги,

солиштирув препаратлари Канефрон (яллигланишга қарши), Простамол-уно (простата химояловчи хусусиятга эга) ва Биомол (аналгетик ва антипиретик таъсири) га нисбатан юқори фармакологик фаоллиқни намоён қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тажрибалар натижасида бир вақтнинг ўзида яллигланишга қарши, аналгетик ва антипиретик таъсирга эга бўлган сийдик-таносил носпецифик яллигланишга қарши фаоллиқни намоён этган янги субстанция ва йиғма шаклидаги дори воситаларни ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида қўлланга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Уроконит» ва «Трибулепил» препаратларининг фармако-токсикологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Уроконит дори моддасининг эмбриотоксик ва тератоген таъсирини ўрганиш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги №8н-з/52 ҳулосаси, Тошкент фармацевтика институтининг 2023 йил 2 августдаги 01/1489-сонли ҳулосаси). Натижада сийдик-таносил тизими аъзоларининг носпецифик яллигланиш касалликларини даволаш учун қўлланиладиган дори воситасининг ҳомила ривожланиши ва туғилган фарзанд учун хавфсиз эканлиги исботланган ва амалиётга татбиқ этиш имконини берган;

Ўтказилган клиник олди синовлар натижасида «Трибулепил» йиғмасининг специфик фармакологик фаоллиги ва безарарлиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли протатитга қарши безарар дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган;

«Трибулепил» йиғмаси учун корхона фармакопоя мақоласи лойиҳаси ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКнинг 2019 йил 1 апрелдаги 29/01-347-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши самарали яллигланишга қарши антипиретик ва аналгетик хусусиятга эга дори воситасини ишлаб чиқариш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари келтирилган, тадқиқотларни Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Сийдик-таносил аъзолари носпесифик яллиғланиш касалликлари ҳамда Уроконит ва Трибуленил препаратларини таркибига кирувчи доривор ўсимликларни ўрганиш**» боби икки бўлимдан иборат бўлиб, сийдик-таносил аъзолари носпесифик яллиғланиш касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва фармакотерапияси батафсил баён этилган, шунингдек «Уроконит» ва «Трибуленил» препаратларининг таркибига кирувчи доривор ўсимликларни фармакологик таъсири, уларнинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилиниб, баҳоланган.

Диссертациянинг иккинчи «**Тадқиқотларда қўлланилган материаллар ва фармакологик усуллар**» бобида, тадқиқот объектларига таъсиф, қўйилган вазифаларнинг ечимини таъминловчи усуллар ва услубий ёндашувлар берилган.

Тадқиқот учун тукли эрва ўти, маккажўхори оналик гулининг устунчаси ва оғизчаси, газанда барги ва наъматак меваларидан курук экстракти олиниб шартли равишда «Уроконит» деб номланди. «Уроконит» субстанциясининг таркибига кирувчи ўсимликлар ўзида флавоноид бирикмалари (авикулярини, кверсетин, изорамнетин, миритсетин, кемпферол, лютеолин); аскорбин кислотаси; α -токоферол, β -каротин; полифенол, ёғ кислоталари ҳамда макро- ва микроэлементларни сақлайди. «Уроконит» субстанцияси Тошкент фармацевтика олимлари томонидан олинган.

«Трибуленил» йиғмиси тор баргли Иван чой ва темир тикан ўти ер устки қисмидан таёрланган. Улар ўз таркибида флавоноидлар, кумаринлар, стерондлар, фенолкарбон кислоталар ошловчи моддаларни сақлайди.

«Уроконит» субстанцияси ва «Трибуленил» йиғмасининг яллиғланишга қарши таъсири ўткир асептик артрит моделида ўрганилди. «Уроконит» субстанция яллиғланишга қарши хусусияти Канефрон Н (Бионорика СЕ. Кершенштайнштрассе, Ноймаркт, Германия. DV/X 06496/07/19 04/07/19) препарати билан таққосланди.

Таҷрибалар тана массаси 180-200г бўлган оқ қаламушларда ўтказилди. Асептик артрит флогоген моддаларни (2% формалин эритмасидан 0,15 мл микдорда, 0,1% гистамин эритмасидан 0,15 мл микдорда) оқ қаламушларнинг орқа оёқ пайжасининг апоневрози остига юбориш билан

чакирилди. Оқ каламушларнинг оёқ панжасини ҳажми флогоген моддалар юборилгунгача ва улар юборилгандан кейин тажрибани 2, 4, 6 ва 24 соатларида онкометрик усул билан ўлчаб чиқилди. Ўрганилаётган препаратлар флогоген моддалар юборишдан 45 дақиқа олдин оғиз орқали юборилди.

Худди шу усул билан «Трибулени» йиғмасининг ялиғланишга қарши таъсири алоҳида тажрибаларда ўрганилди. «Трибулени» йиғмаси, скрининг тажрибаларда аниқлаб олинган терапевтик доза - 25 мл/кг миқдорда оғиз орқали юборилди. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларга мос миқдорда дистилланган сув юборилди. Такқослаш мақсадида Простомол-уно (Berlin-Chemie AG/Menarini Gruppe, Германия) препарати танлаб олинди.

Кейинги тажрибаларда «Уроконит» субстанцияси ва «Трибулени» йиғмасининг антипиретик таъсири ўрганилди. Тажриба Loux J., de Palma P., Yanksell S. томонларидан келтирилган усулда олиб борилди. Бунда пироген сифатида физиологик эритма 20% хамиртуруш суспензияси тайёрланиб, 0.2 мг/10 г ҳажмда юборилди. Тажриба учун оғирлиги 18-22 г бўлган, 10-14 кун карантиндан ўтган, соғлом оқ сичқонлардан фойдаланилди, киёсий дори воситаси сифатида «Биомол» (Shrey Nutraceuticals & Herbals Pvt, Хиндистон) препарати танлаб олинди.

Барча гуруҳдаги лаборатория ҳайвонларининг дастлабки тана ҳарорати қайд этилиб, бўйин қисмининг тери остига (тайёрланган) пироген юборилди. Пироген юборилгандан сўнг, ҳайвонларнинг тана ҳарорати керакли термал реакцияга етганда, тажриба ҳайвонларига бир мартаба зонд ёрдамида оғиз орқали дори воситалари берилди (тана ҳарорати қайд этилган вақтдан бошлаб, 10 дақиқа ичида). «Уроконит» субстанциясининг антипиретик таъсирини ўрганиш учун оқ сичқонлар олиниб, 4 гуруҳга бўлинди: 1-назорат гуруҳи, мос равишда дистилланган сув берилди; 2-тажриба гуруҳидаги ҳайвонларга «Уроконит» субстанцияси 100 мг/кг дозада; 3-тажриба гуруҳи ҳайвонларига «Уроконит» субстанцияси 200 мг/кг дозада; 4-тажриба гуруҳи (такқослаш гуруҳи)даги ҳайвонларга мос равишда Биомол препаратидан 75 мг/кг дозада берилди. Ҳайвонларнинг тана ҳарорати электрон термометр ёрдамида қайд этилди (0.1°C аниқликда).

Алоҳида тажрибаларда «Трибулени» йиғмасининг антипиретик таъсири ўрганилди. Бунда тажриба учун 18 та оқ сичқонлар олиниб ва 3 гуруҳга бўлинди: 1-назорат гуруҳи - лаборатория ҳайвонларига мос равишда дистилланган сув берилди; 2-тажриба гуруҳидаги - ҳайвонларга «Трибулени» йиғмаси дамуламаси 25 мл/кг дозада берилди; 3-тажриба гуруҳи - (такқослаш гуруҳи)даги ҳайвонларга Биомол 75 мг/кг дозада берилди. Дори воситаларининг фармакологик фаоллигини баҳолаш мезони, тажриба гуруҳидаги ҳайвонларнинг тана ҳароратининг, назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг тана ҳароратига нисбатан пасайиши билан баҳоланди.

Дори воситаларининг аналгетик таъсири R.D. Sewell ва P.S. Spencer томонидан келтирилган усул (думин иссиқ сувга тушириш методи) бўйича ўрганилди.

«Уроконит» субстанциясининг анальгетик таъсири 30 та соғлом, оқ сичқонларда ўрганилди. Бунда: 1-назорат гуруҳдаги - хайвонларга мос равишда дистилланган сув берилди; 2-тажриба гуруҳдаги - хайвонларга «Уроконит» субстанцияси 100 мг/кг дозада берилди; 3-тажриба гуруҳдаги - хайвонларга «Уроконит» субстанцияси 200 мг/кг дозада берилди 4-тажриба (таққослаш) гуруҳдаги - хайвонларга мос равишда Биомол препаратидан 75 мг/кг дозада берилди;

«Трибуленил» йнгмасини анальгетик таъсирини ўрганиш учун оғирлиги 18-22 г бўлган, 10-14 кун карантиндан ўтган, соғлом оқ сичқонлар олинди. Бунда: 1-назорат гуруҳдаги - хайвонларга мос равишда дистилланган сув берилди; 2-гуруҳдаги - хайвонларга мос равишда «Трибуленил» йнгмаси дамламаси 25 мг/кг дозада 0,5 мл/20 г ҳажмда берилди; 3-тажриба гуруҳи - (таққослаш гуруҳи)даги хайвонларга мос равишда Биомол препаратидан 75 мг/кг дозада 0,15мл/20г ҳажмда берилди. Сўнгра барча гуруҳдаги хайвонларнинг думлари 52°C иссиқ сувга туширилди ва думни иссиқ сувда ушлаб турилган вақт қайд қилиб борилди. Тажриба гуруҳи билан назорат ва таққослаш гуруҳи вақтларини солиштириш билан дори воситаларининг фармакологик фаоллиги баҳоланди.

Кейинги тажрибаларда «Уроконит» субстанциясининг экспериментал нефролитиаз жароғинга таъсири ўрганилди. Тажриба учун таиалаб олинган лоборатория хайвонлари стандарт диета шаронтида сийдик тўплаш учун мослаштирилган алоҳида катакларда жойлаштирилди. Назорат гуруҳидаги хайвонлар 6 ҳафта давомида ичимлик сифатида этиленгликолнинг 1% эритмаси юборилди. Тажриба гуруҳидаги хайвонларга 6 ҳафта давомида 1% этиленгликол эритмаси билан бирга «Уроконит» субстанцияси 100 мг/кг дозада юборилди. Тажрибанинг 14, 28 ва 41 кунларида хайвонлардан кунлик сийдиги йнгилиб, ундаги оксалат, фосфат ва кальций ионларининг суткалик ажралиш миқдори аниқланди. Сийдикдаги оксалатлар ЙССХ усули билан ниқланди, фосфатлар $\lambda=590$ нм тўлқин узунлигида фотоэлектрокалориметрия усули ёрдамида аниқланди. Сийдикдаги кальций ионлари фотометрия усули билан аниқланди. Суткалик сийдикда креатинин миқдори биокимёвий усул билан аниқланди.

Алоҳида тажрибаларда «Уроконит» субстанциясининг пешоб ажралишига ва Na^+ , K^+ ионлари алмашинувиға таъсири ўрганилди. Тажрибалар массаси 160-180 г бўлган, соғлом оқ каламушларда, И.В.Сапошкий ва В.В.Гацуралар томонидан келтирилган усулда ўтказилди. Тажрибага олинган оқ каламушларининг ҳар бирдан бир кун давомида ажралиб чиққан сийдик миқдори ўлчаб олинди. Сўнгра оқ каламушларининг ҳар 100 г массасига 4 мл дан дистилланган сувни оғиз орқали юбориб бир сутка давомида ажралиб чиққан пешоб миқдори ўлчаб олинди. Тажрибадаги оқ каламушлар 6 тадан, 4 та гуруҳга бўлиб чиқилди. 1-назорат гуруҳи- бўлиб уларга мос равишда дистилланган сув (100г каламуш массасига 4 мл сув) юборилди. 2-тажриба гуруҳи - хайвонларига «Уроконит» субстанциясид 100 мг/кг ҳисобида юборилди. 3- тажриба гуруҳ - хайвонларига «Уроконит» 200 мг/кг ҳисобида

юборилди. 4-тажриба гуруҳи - хайвонларига Канефрон Н препарати 100 мг/кг дозада юборилди.

«Трибуленил» йиғмасининг ўзига хос фармакологик фаоллиги А.В. Буякина, Н.Ю. Фролова, Е.Л. Авенировлар томонидан келтирилган усулда ўрганилди. Бунда тажриба учун оғирлиги 170-210 г бўлган 30 та оқ эркек каламушлар олинди ва 6 та гуруҳга бўлинди. Барча гуруҳдаги хайвонларга уч кун давомида 1 мл/200 г скипидар ва диметилсулфоксид эритмаси аралашмаси (9:1) ректал равишда юборилди. Тажриба гуруҳларидаги лаборатория хайвонларига «Трибуленил» ва простомол-уно бир мартаба, уч кун давомида, скипидар аралашмаси киритилишидан бир соат олдин берилди (профилактика тартиби). Шунингдек скипидар киритилгандан кейин кўшимча равишда уч кун давомида (даволаш тартиби) берилди. Бунда: 1-интакт гуруҳ; 2-назорат гуруҳи - даволаш ва профилактика қилинмаган хайвонлар; 3-тажриба гуруҳи - хайвонларига «Трибуленил» йиғмаси 25 мл/кг дозада берилди; 4-тажриба гуруҳи - хайвонларига т«Трибуленил» йиғмаси 50 мл/кг дозада берилди; 5-тажриба гуруҳи - (такослаш) хайвонларига простомол-уно 50 мг/кг дозада берилди. Тажрибани еттинчи куни лаборатория хайвонлар кардио-сериквиал дислокация усули билан жонсизлантирилди ва простата билан уруғлар ажратиб олинди. Ажратиб олинган органларнинг оғирлик коэффициентни аниқланди. Аъзолар электрон тарозида (граммда) 0,001 г аниқлик билан тортилди. Фармакологик фаоллик аъзонинг назорат гуруҳига нисбатан массасини коэффициентининг пасайиши билан баҳоланди.

Тажрибаларнинг кейинги серияларида «Уроконит» субстанцияси ва «Трибуленил» йиғмасининг безарарлиги, яъни ўткир, сурункали захарлилиги, кумулятив, аллергик, маҳаллий китикловчи таъсири ўрганилган (тажрибалар оқ сичқон ва куёнларда олиб борилган).

Олинган барча маълумотлар Студент т-критериясидан фойдаланган ҳолда вариатсион статистика усули ёрдамида STATISTICA version 6. StatSoft, inc (2001) дастурида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг учинчи «Уроконит субстанциянинг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш натижалари» бобида, «Уроконит» субстанциясини фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. «Уроконит» субстанциясининг формалили ялигланишига қарши таъсирини ўрганиш натижалари дори воситасини ялигланишига қарши самарали таъсир этишини кўрсатди.

Назорат гуруҳидаги каламушларнинг оёқ панжасини ҳажми максимал даражада ошиши формалин юборилгандан кейин тажрибанинг 4 соатида юзага келади ва бу кўрсаткич формалин юборилгунча бўлган панжа ҳажмига нисбатан 100% ни ташкил этди. Худди шу шароитда ўрганилаётган уроконит субстанциясини 100 мг/кг ва 200 мг/кг олган хайвонларда оёқ панжасининг ҳажмини ошиши мос равишда 36,5% ни 30,2% ни ташкил этди. Солиштирма препарат Канефрон Н эса 42,8% ташкил этди.

«Уроконит» субстанциясининг формалинли яллиғланишга қарши таъсири

№	Юборилган препаратлар	Юборилган препаратнинг дозаси, мг/кг	Нормада каламушлар оёқ панжасининг ҳажми, мл-да	Формалин юборилгандан кейинги каламушлар оёқ панжасининг ҳажми			Препаратнинг яллиғланишга қарши таъсири %
				4 соатдан кейин	Нормага нисбатан оёқ панжасининг ҳажми ошмиши		
					Абс. миқдорда	%	
1	Назорат	0,15 мл	0,79±0,02	1,42±0,06	0,63±0,058	100	-
2	Уроконит	100	0,84±0,02	1,07±0,05	0,23±0,042*	36,5	63,5
3	Уроконит	200	0,82±0,03	1,01±0,07	0,19±0,036*	30,2	69,8
4	Канефрон Н	100	0,85±0,03	1,12±0,04	0,27±0,018*	42,8	57,2

*Ишор.: *P<0,05 нозорат гуруҳига нисбатан*

Демак, «Уроконит» субстанциясини яллиғланишга қарши таъсири ўрта ҳисобда мос равишда 63,5% ва 69,8% га, солиштирма препарат Канефрон Н эса 57,2%га тенг бўлди.

«Уроконит» субстанциясини гистамин билан юзага чиқарилган экспериментал яллиғланишга қарши таъсири унинг формалинли яллиғланишга қарши таъсирига қараганда кучлироқ даражада юзага чиқди.

2-жадвал

«Уроконит» субстанциясининг гистаминли яллиғланишга қарши таъсири

№	Юборилган препаратлар	Юборилган препаратнинг дозаси, мг/кг	Нормада каламушлар оёқ панжасининг ҳажми, мл-да	Гистамин юборилгандан кейинги каламушлар оёқ панжасининг ҳажми			Препаратнинг яллиғланишга қарши таъсири, %
				4 соатдан кейин	Нормага нисбатан оёқ панжасининг ҳажми ошмиши		
					Абс. миқдорда	%	
1.	Назорат	0,15 мл	0,69±0,03	1,41±0,05	0,72±0,06	100	-
2.	Уроконит	100	0,76±0,05	1,02±0,03	0,26±0,03*	36,1	63,9
3.	Уроконит	200	0,78±0,04	0,96±0,05	0,18±0,05*	25	75
4.	Канефрон Н	100	0,74±0,03	1,10±0,01	0,36±0,04*	50,0	50,0

*Ишор.: *P<0,05 нозорат гуруҳига нисбатан*

Агар нозорат гуруҳида гистамин билан юзага чиқарилган яллиғланиш натижасида ҳайвонларнинг оёқ панжасини ҳажмини ошмиши нормага нисбатан 100% га ошган бўлса, уроконит субстанцияси 100 мг/кг ва 200 мг/кг дозаларини олган ҳайвонларда оёқ панжасининг ҳажмини ошмиши нормага нисбатан мос равишда 127% ва 123% ни ташкил қилди. Демак, «Уроконит» субстанциясини яллиғланишга қарши таъсири 63,9% ва 75% га тенг келади,

Канефрон Н да эса бу 50% ни ташкил қилди. Олиб борилган тадқиқотлардан, кўриниб турибдики, «Уроконит» субстанцияси гистамин билан юзага чиқарилган яллиғланишга қарши таъсири бўйича, Канефрон Н препаратидан устун. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

«Уроконит» субстанциясини антипиретик таъсирни аниқлаш учун ўтказилган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, пироген юборилгандан сўнг лаборатория хайвонларининг сезиларли даражада ошган таъа ҳарорати, «Уроконит» субстанцияси ва Биомол препарати юборилгандан кейин назорат гуруҳига нисбатан пасайиши кузатилди (2, 3 соат). Натижалар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Уроконит субстанциясини антипиретик таъсири


1-расмдан кўриниб турибдики назорат гуруҳида пироген юборилгандан кейин 4 соатдан сўнг температура пасайиши дастлабкига нисбатан 0,8°C ташкил этди. «Уроконит» субстанцияси 100 ва 200 мг/кг дозаларда мос равишда таъа ҳароратини назоратга нисбатан 1,4 ва 1,3°C га, солиштириш учун олинган Биомол препарати эса 1,1°C га пасайтирганлигини кўриш мумкин. Олинган натижаларга кўра «Уроконит» субстанцияси солиштирма препарат Биомолга нисбатан юқори антипиретик таъсирга эъа эканлиги аниқланди.

«Уроконит» субстанциясини аналъсетик таъсири ўрганилганда уроконит субстанцияси 100 ва 200 мг/кг дозаларда юборилган лаборатория хайвонларини, думини иссиқ сувда (52°C) ушлаб туриш вақти 10,74 ва 13,1 сек.ни, Биомол қабул қилганларда эса 9,76 сек.ни ташкил этди (2-расм).

Демак, «Уроконит» субстанцияси аналъсетик самараси бўйича таққослаш учун олинган Биомол препаратидан устун.

«Уроконит» субстанциясининг экспериментал нефролитиаз кечимиъа қарши таъсирини ўрганиш натижаларига кўра, назорат гуруҳида пешоб билан креатинин, кальций ва фосфор ионларининг кунлик ажралиши пасайиш тенденциясига эъа. Пешобда оксалатларнинг кунлик чиқарилиши динамикада ошди ва таъриба охирида у бошлангич даражадан 3 бараъар юқори бўлди. «Уроконит» субстанциясини 100 мг/кг дозада юборилган гуруҳда кунлик пешобдаги креатинин даражаси пасайди, аммо таъриба охирига келиб у дастлабки даражага яқинлашди. Таъриба гуруҳида пешобда

кальций ва фосфорнинг чиқарилишининг камайиши назоратга нисбатан сезиларсиз. Кундалик пешоб билан оксалат чиқарилишининг кўпайиши назорат гуруҳидаги каби яққол намоён бўлмайди (3-жадвал)



2-расм. Уроконит субстанциясини анальгетик таъсири

3-жадвал

Экспериментал нефролитиаз шароитида ҳайвонларда кальций, фосфор ва оксалат ионларининг ажралиб чиқиш динамикаси

Кўрсаткичлар	Дастлабки	14-кун	28 -кун	42-кун
Назорат гуруҳи				
Креатинини мкМ/сутка	9,7±1,09	7,8±0,60	6,1±0,50*	6,6±0,45
Кальций мМ/сутка	2,8±0,30	2,5±0,20	1,9±0,15	1,4±0,25*
Фосфор мг/сутка	16,4±0,80	13,1±1,10	11,6±0,90	9,8±0,40*
Оксалат мг/сутка	29,3±2,10	48,5±2,60	63,9±3,05	86,4±1,50*
Таъриба гуруҳи				
Креатинини мкМ/сутка	9,1±1,20	7,4±0,80	6,3±0,40*	8,8±0,55
Кальций мМ/сутка	3,1±0,45	2,7±0,35	2,4±0,20	2,9±0,15*
Фосфор мг/сутка	15,9±0,50	13,3±1,05	12,8±0,80	11,6±1,20*
Оксалат мг/сутка	28,6±4,30	41,2±3,10	47,9±3,05	51,6±2,25*

Шундай қилиб, «Уроконит» субстанцияси узок муддатли қўлланилганда экспериментал нефролитиазнинг кечишига ижобий таъсир кўрсатади.

«Уроконит» субстанциясини пешоб ажралишига ва Na^+, K^+ ионлари айланишуви таъсирини ўрганиш натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал

«Уроконит» субстанциясининг пешоб ажралишига таъсири

Таъриба гуруҳи	Юборилган доза, мг/кг	Ажралиб чиққан пешоб миқдори, мл		Қиёсий таъсир, %
		абс. миқдор	%	
Назорат гуруҳи	дист. сув	4,37±0,2	100	-
Уроконит субстанцияси	100	7,83±0,5*	178,76	78,76
Уроконит субстанцияси	200	7,87±0,6*	180,1	80,1
Канефрон Н	100	7,90±0,5*	180,77	80,77

Изоҳ: $P < 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан

Натижаларга кўра, назорат гуруҳида ўртача ҳар бир ҳайвондан ажралиб чиққан пешоб миқдори $4,37 \pm 0,2$ мл га тенг бўлди. Худди шу шароитда 100

мг/кг «Уроконит» субстанция олган каламушларда ўртача бир суткада ажралиб чиққан пешоб миқдори $7,83 \pm 0,5$ мл га тенг келди, 200 дозада эса ажралиб чиққан пешоб миқдори $7,87 \pm 0,6$ мл га тенг бўлди. Канефрон Н юборилганда бу кўрсаткич $7,90 \pm 0,5$ мл га тенг (4-жадвал).

«Уроконит» 100 ва 200 мг/кг дозаларда диурезни мос равишда 78,76 ва 80,1% га оширди. Канефрон Н да эса диуретик самара 80,77 % га тенг бўлди. Демак, диуретик самараси буйича «Уроконит» субстанцияси таққосланган препарат - Канефрон Н дан қолишмайди.

Адабиётлардан маълумки, пешоб ажралишининг бузилишида электролитлар, хусусан, Na^+ ва K^+ алмашуви ўзгаради. Тажрибада «Уроконит» субстанцияси 100 ва 200 мг/кг дозаларда қондаги Na^+ ва K^+ концентрациясига деярли таъсир этмади. Назорат ва тажриба гуруҳидаги хайвонларда Na^+ ва K^+ ионинг қондаги миқдори мос равишда $147 \pm 3,11$; $152 \pm 2,65$ ммол/л ва $34,85 \pm 0,7$; $32,7 \pm 0,33$ ммол/л га тенг бўлди. Шу билан бир вақтда пешобдаги Na^+ ионларининг концентрацияси назорат гуруҳига ($52,5 \pm 1,63$ ммоль/л) нисбатан ($75,5 \pm 2,48$ ммоль/л) ошди, K^+ концентрацияларида сезиларли ўзгариш қайд этилмади.

Кейинги тажрибаларда давомида «Уроконит» субстанциясининг безарарлиги ўрганилди. Тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатдики «Уроконит» субстанцияси бир маротаба юборилганда, ўрганилаётган дозаларда, хайвонлар организмга салбий таъсир кўрсатмайди. Ўрганилаётган дозаларда «Уроконит» субстанциясининг кам захарлилиги тасдиқланди. Унинг узоқ муддат давомида юборилганда эса сурункали захарланиш ҳолатларини келтириб чиқармайди. Шунингдек «Уроконит» субстанцияси аллергия, кумулятив, эмбриотоксик ва тератоген таъсир кўрсатмайди.

Диссертациянинг «Трибуленил йиғмасининг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида, «Трибуленил» йиғмасини фармако-токсикологик изланиш натижалари келтирилган.

«Трибуленил» йиғмаси ва таркибий қисмларининг формалинли яллиғланишга қарши таъсири қуйида келтирилган. Ўрганилаётган дамламалар (25 мл/кг) формалинли яллиғланиш даражасини юзага чиққан вақтида (тажрибани 4 соатида), каламушлар оёқ панжасидаги яллиғланиш даражасини назорат гуруҳига нисбатан мос равишда камайтирганини кўриш мумкин. Яллиғланишга қарши самара тор баргли иван-чай 40,6 %, ер бағирлаб ўсувчи темиртикан 42,0% ва «Трибуленил» йиғмасида 63,8 % ни ташкил этди (5-жадвал).

Кейинги тажрибаларда «Трибуленил» йиғмасини гистамин билан юзага чиқарилган яллиғланишга қарши таъсири ўрганилди. Бунда дамламаларининг яллиғланишга қарши таъсири простомол-уно (Berlin-Chemie AG (Menarini Group)) Германия) препарати билан қиёсий ўрганилди. Тажрибада давомида олинган натижалар 6- жадвалда келтирилди.

5-жадвал

Ўрганилаётган дамламаларнинг формалини яллигланишга қарши таъсири

№	Гуруҳлар	Юборилган дамламаларнинг миқдори	Формалини юборилгандан 4 соат кейин оёқ пазоаси ҳажми (мл)	Каламушлар оёқ пазоасининг норммага нисбатан олгани % да	Яллигланишга қарши таъсири % да
1	Интакт		0,71±0,03		
2	Назорат	Дист. сув	1,40±0,08	100	-
3	Тор баргли иван чой	25 мл/кг	1,12±0,05 ^у	59,4	40,6
4	Ер бағирлаб ўсувчи темирткикан	25 мл/кг	1,11±0,07 ^у	58,0	42,0
5	Трибуленил йиғмаси	25 мл/кг	0,96±0,04 ^у	36,2	63,8

Изоҳ: х-интакт гуруҳдан ишонarli фарқи $P < 0,05$; у-назорат гуруҳдан ишонarli фарқи $P < 0,05$ га тенг.

6-жадвал

Ўрганилаётган дамламаларнинг гистамин билан юзага чиқарилган яллигланишга қарши таъсири

№	Гуруҳлар	Юборилган дамламаларнинг миқдори	Тажрибадаги каламушларнинг оёқ пазоасининг ҳажми	Каламушлар оёқ пазоасининг норммага нисбатан олгани	Яллигланишга қарши самара % да
			Гистамин юборилгандан 4 соат кейин	% да	
1	Интакт	-	0,70±0,04		
2	Назорат гуруҳи		1,42±0,04	100	-
3	Тор баргли Кипрей	25 мл/кг	1,15±0,06 ^у	62,5	37,5
4	Ер бағирлаб ўсувчи темирткикан	25 мл/кг	1,13±0,04 ^у	59,7	40,3
5	Трибуленил йиғмаси	25 мл/кг	1,00±0,04 ^у	41,6	59,4
6	Простомол-уно	50 мг/кг	1,08±0,04 ^у	52,7	47,3

Изоҳ: х-интакт гуруҳдан ишонarli фарқи $P < 0,05$; у-назорат гуруҳдан ишонarli фарқи $P < 0,05$ га тенг.

Натижалардан кўришиб турибдики, Торбаргли Кипрей дамламасини олган гуруҳ ҳайвонларда яллигланишга қарши самарадорлиги назорат гуруҳига нисбатан 37,5% га, ер бағирлаб ўсувчи темирткикан дамламасини олган ҳайвонларда 40,3% га тенг. «Трибуленил» йиғмасини олган гуруҳ ҳайвонларида, яллигланишга қарши самарадорлиги 59,4% га тенг бўлди. Такқослаш мақсадида олинган простомол-уно препарати таъсирида бу кўрсаткич 47,3% ни ташкил этди.

Алохида тажрибаларда «Трибуленил» йиғмасини серотонин билан юзага чиқарилган яллигланишга қарши таъсири ўрганилди. Бу тажрибаларида ҳам дамламаларнинг яллигланишга қарши таъсири простомол-уно препарати билан таққосланди. Жадвалда кўрсатилганидек, серотонин билан юзага

чиқарилган яллиғланиш жараёнини, назорат гуруҳига нисбатан Торбаргли иван чой дамламаси 33.4% га, ер бағирлаб ўсувчи темиртукан дамламаси 37.5% га, «Трибуленил» йиғмаси дамламаси 45.9% га камайитириш аниқланди. Простомол-унони яллиғланишга қарши таъсири 43,1 % га тенг бўлди. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ўрганилаётган дамламалар флогоген моддалар билан чақарилган яллиғланиш жараёнини, қиёсий препаратларга қараганда 2-3 кун олдин, назорат гуруҳидаги қаламушларга нисбатан эса 3-5 кун олдин ўз ҳолатига қайтарди. Олинган натижалар куйидаги жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Ўрганилаётган дамламаларнинг серотонин билан юзага чиқарилган яллиғланишга қарши таъсири

№	Гуруҳлар	Юборилган дамламаларнинг миқдори	Тажрибадаги қаламушларнинг оёқ танжаси ҳажми	Қаламушлар оёқ танжасининг нормага нисбатан олинган	Яллиғланиш акариш самараси
			Серотонин юборилгандан сўнг оёқ танжаси ҳажми	%-да	
1	Интакт	-	0,73±0,06		
2	Назорат гуруҳи		1,45±0,08	100	-
3	Тор баргли иван чой	25 мл/кг	1,21±0,05 ^у	66,6	33,4
4	Ер бағирлаб ўсувчи темиртукан	25 мл/кг	1,18±0,04 ^у *	62,5	37,5
5	Трибуленил йиғмаси	25 мл/кг	1,12±0,07 ^у	54,1	45,9
6	Простомол-уно	50 мг/кг	1,16±0,05 ^у	59,7	43,1

Итоҳ: х–интакт гуруҳдан шондорли фарқи $P < 0,05$; у–назорат гуруҳдан шондорли фарқи $P < 0,05$ га тенг.

Демак, алоҳида олинган компонентларга нисбатан «Трибуленил» йиғмасининг яллиғланишга қарши самараси юқорироқ экан. «Трибуленил» йиғмаси таққослаш учун олинган простомол-уно препарати каби яллиғланишга қарши таъсири мавжуд.


«Трибуленил» йиғмасини антипиретик таъсирини ўрганиш натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. «Трибуленил» йиғмасини антипиретик таъсири

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, назорат ва тажриба гуруҳидаги ҳайвонларнинг тана ҳарорати, тери остига пироген юборилган вақтдан бир соатдан сўнг сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга «Трибуленил» йиғмаси ва Биомол препарати берилгандан сўнг тажриба гуруҳидаги лаборатория ҳайвонларининг тана ҳарорати, назорат гуруҳидаги лаборатория ҳайвонларига нисбатан 2, 3 ва 4 соатларда сезиларли пасайиши кузатилди. Тадқиқот натижаларига кўра, «Трибуленил» йиғмаси солиштириш учун олинган Биомол препарати каби антипиретик таъсирга эга эканлиги аниқланди.

«Трибуленил» йиғмасининг *анальгетик таъсири* Биомол препарати билан таққослаб ўрганилди. Натижалар 4-расмда келтирилган.



4-расм. «Трибуленил» йиғмасининг аналгетик таъсири

Тажриба натижалари «Трибуленил» йиғмаси таққослаш учун олинган Биомол препаратидан қолинмайдиغان аналгетик таъсирга эгаллигини кўрсатди.

«Трибуленил» йиғмасининг *простатитни даволовчи самараси* А.В. Буракина, Н.Ю. Фролова, Е.Л. Авенировлар томонидан келтирилган усулда ўрганилди. Тажрибанинг 7-куни ажратиб олинган простата бези ва уруғдоннинг массасини назорат гуруҳига нисбатан коэффицентига кўра натижалар баҳоланди. Унга кўра «Трибуленил» йиғмаси ўрганилган дозаларда проста безининг ялғиланишига ижобий таъсир қилиши аниқланди. Назорат гуруҳида простата бези ва уруғдоннинг вази коэффиценти интактага нисбатан оғирлик коэффиценти 3 ва 2,5 мартаба ортган. «Трибуленил» йиғмасини 25 ва 50 мл/кг дозаларда қабул қилган ҳайвонларнинг простата бези ва уруғдон оғирлик коэффиценти сезиларли қамайган. Натижалар 8-жадвалда келтирилган

8-жадвал

«Трибуленил» йиғмасининг экспериментал простатитда терапевтик самараси

№	Гуруҳлар	Оғирлик коэффиценти	
		Простата бези	Уруғдон
1	Интакт	1,54±0,12	0,46±0,011
2	Назорат (0,25 мл скинлар)	4,65±0,12	2,96±0,018
3	Трибуленил (25 мл/кг)	1,68±0,11*	0,60±0,016**
4	Трибуленил (50 мл/кг)	2,16±0,15*	0,94±0,013**
5	Простамол-уно (50 мг/кг)	1,49±0,12	0,77±0,018

Ишати: * $p < 0,05$; ** $p < 0,001$ интактага нисбатан

Демак, «Трибуленил» йиғмаси простата безини яллиғланишига қарши простомол-уно каби терапевтик фаолликка эга ва даволашнинг натижалари дозага боғлиқ.

Кейинги тажрибаларда «Трибуленил» йиғмасининг беззарарлиги ўрганилди. Бунда «Трибуленил» йиғмаси ўрганилган дозаларда бир марта оғиз орқали юборилганда кам захарли, узоқ муддат (3 ой) бериб боришганда эса ҳайвонларнинг сурункали захарланишига олиб келмаслиги аниқланди. Лаборатория таҳлилига кўра «Трибуленил» йиғмаси ҳайвонларнинг периферик қон ва биокимёвий кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар йук эканлигини кўрсатиб берди. Гистоморфологик текширишлар натижалари «Трибуленил» йиғмаси ички аъзоларда патоморфологик ўзгаришларга, шунингдек, хужайра ва тўқималарда структур ўзгаришларга олиб келмаслигини кўрсатди.

Ўрганилган дозаларда «Трибуленил» йиғмаси аллергия, кумулятив, маҳаллий китикловчи таъсир кўрсатмайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий ўсимликлар асосида олинган «Уроконит» субстанцияси амалиётда кенг қўлланиладиган Канефрон препаратидан кам бўлмаган яллиғланишига қарши фаоллиқни намоён қилиши, шунингдек анальгетик ва антипиретик хусусиятига эга эканлиги исботланди.

2. «Уроконит» субстанциясини экспериментал нефролитиаз кечимига ижобий таъсир кўрсатиши исботланди.

3. «Уроконит» субстанцияси ўткир захарлилик кўрсаткичи бўйича, оғиз орқали бир маротаба юборилганда IV синфга яъни кам захарли моддалар гуруҳига кириши, кумулятив, маҳаллий китикловчи, аллергия таъсирларни келтириб чиқармаслиги аниқланди.

4. *Tribulus L.* ва *Chamérion angustifolium* ўсимликлари асосида олинган «Трибуленил» йиғмаси тажриба моделларида яллиғланишига қарши фаоллиқни намоён қилиши ҳамда Биомол препаратидан кам бўлмаган анальгетик ва антипиретик таъсири мавжудлиги аниқланди.

5. «Трибуленил» йиғмаси тажриба ҳайвонларида ўтказилган экспериментал простатитни даволашда, таққослаб ўрганилган Простамол-уно дори воситасидан устунлиги исботланди.

6. Моддаларнинг захарлилик классификациясига кўра «Трибуленил» йиғмаси V-синфга мансублиги, яъни деярли захарли эмаслиги ҳамда кумулятив, маҳаллий китикловчи, аллергия ва ички аъзоларнинг функциясига салбий таъсири йўқлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ГАННЕВА ЗУЛФИЯХОН БОБУРХОН КИЗИ

**ФАРМАКО-ТОКСИКОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПРЕПАРАТОВ
УРОКОНИТ И ТРИБУЛЕПИЛ**

14.00.17 – Фармакология и клиническая фармакология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД) ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК**

ТАШКЕНТ -2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PhD/Far43

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharm1.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net/uz).

Научный руководитель:

Файтиева Зиёда Тураевна

доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Аллаева Мунира Журакуловна

доктор биологических наук, профессор

Мавлянов Зафар Искандарович

доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный

медицинский университет

Защита диссертации состоится «1» ноября 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSC.04/30.12.2019. Far.32.01. при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharm1.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 49 по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «16» «10» _____ 2023 года
(Регистр протокола № 49 от «16» «10» _____ 2023 года)



К.С.Ризаев

Председатель научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь
научного
совета по присуждению
ученых степеней, д.фарм.н.,
профессор

Р.Т.Туляганов

Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.б.н., н.в. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения, урологические заболевания занимают 7-е место среди болезней, вызывающих у населения нетрудоспособность и инвалидность, составляя 2,5-3% от общего числа причин смерти. Поэтому важное значение приобретает расширение ассортимента лекарственных средств, получаемых из растительного сырья, применяемых при неспецифических воспалительных заболеваниях мочеполовых органов, также важно доказать их высокую эффективность и безвредность в ходе фармако-токсикологических исследований.

В настоящее время ведутся научные изыскания по разработке лекарственных средств из природного сырья и выделенных из них биологически активных веществ, определению их воздействия на организм, обоснованию их применения в официальной медицине в сравнении синтетическими лекарственными средствами с наибольшим количеством побочных эффектов. В связи с этим, особое внимание уделяется созданию комбинации из нескольких растений с целью усиления действия лекарственного средства, определения его фармакологической активности, отсутствия острого и хронического токсического действия.

Сегодня в республике достигаются определенные результаты по налаживанию их производства на местных фармацевтических предприятиях с целью обеспечения населения качественными, безопасными, эффективными и доступными лекарственными средствами, сокращению доли импортируемых препаратов. В пункте 85 второго приложения новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы определены текущие задачи, такие как: «увеличение объёма производства продукции фармацевтической промышленности в 3 раза и доведение уровня обеспеченности местного рынка до 80%...»¹. В связи с этим, в Узбекистане важное значение приобретает разработка оригинальных комплексных препаратов, проведение их предклинических и клинических исследований, проведение научных изысканий по внедрению в медицину.

Данное диссертационная работа служит, в определенной степени реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по опережающему развитию фармацевтической промышленности республики в 2022-2026 годах», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4310 от 6 мая 2019 года «Медицинское и фармацевтическое образование» и «О мерах по дальнейшему развитию системы науки», № ПП-4554 от 30 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по углублению реформирования фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», №ПП-4901 от 26 ноября 2020 года «О мерах по расширению масштаба

¹ Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

научных исследований о выращивании и переработке лекарственных растений, развитии налаживания их семеноводства» и в других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью. **Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике Узбекистан.** Данные исследования выполнены в соответствии приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Особое значение имеют работы ученых нашей республики таких, как Х.Холматова, Х.М.Комилова, А.Г.Курмукова, В.Н. Сырова, Х.У.Алиева, З.З.Хакимова, по созданию противовоспалительных средств на основе местного растительного сырья изучению фармакологических и токсикологических свойств, а также их применению в медицинской практике.

На мировом уровне особое значение имеют обширные исследования проводимые П.В.Глибочко, Д.Ю.Пушкар, А.В.Зайцевым, Л.М.Рапопорт, Р.Пинхасовым, О.Л.Тиктинским Ашис Чавл, Т.Ёхане, М.Шрадер, Т.Гассер, П.Д.Дамраевым, В.В.Ивановым, Б.Р.Гильмутдиновым, Хайдер Мухсен, Н.С.Мухеевой, Н.Н.Денисовой, Б.Г.Синтия, Б.Срокси, Э.Нина, Толькофф-Рубиним и другими зарубежными учёными по изучению причин возникновения, неспецифических воспалительных заболеваний мочеполовых органов, методов их лечения и фармакотерапии.
